

Улугбек ҲАМДАМ, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош мухаррири в.б:

Устоз, негадир кейинги пайтларда адабиётнинг вазифаси тўгрисида кўп ўйлайман. Бундок карасак, бундан бир-бир ярим аср муқаддам адабиётнинг ижтимоий функцияси хакида бугунгидек гапирилмаган экан. (Зоро, бунга асоснинг ўзи бўлмаган). XIX аср охири ва, айнича, XX аср аввалига келиб эса, унинг зиммасида гоят салмоқдор ижтимоий вазифа пайдо бўлди, натижада, мазкур жихат бир неча ўн йил мобайнида адабиётнинг ажралмас узвига айланди. Вактлар бўлди, адабиёт одамларнинг дунёкарашларини, хаётга ёндашувларини, кайфиятларини белгилади, уларни йўналтириди. Бугун эса ундаи эмас. Демак, давр ва унинг кайфиятига караб адабиётнинг инсон (ўкувчи) олдидаги вазифалари ўзгариб турар экан-да?..

Наим ҚАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор:

Тарих XIX аср охири - XX аср бошларида дунёга келган жадид адабиётининг зиммасига мухим масалаларни юклади. Жадид маърифатпарварлари XVII-XIX асрлардаги ижтимоий-иктисодий таназзул хамда Кауфман, Скobelев, Черняев, Мочаловларнинг вахшийлиги ва зулми остида эзилган, кадди букилган, ўз Ватанида эркин яшаш хукувидан маҳрум бўлган халкни уйготиш вазифасини кўйди. Жадидлар ўз зиммаларига кўйилган шу тарихий вазифани шараф билан бажардилар. Шунинг ўзиёқ биздан уларга, уларнинг ижтимоий-маърифий ва ижодий фаолиятига катта хурмат билан муносабатда бўлишимизни такозо этади. Менинг бу масалага тўхталишимнинг боиси шундаки, жадидлар адабиётнинг ижтимоий функциясини ошириб юбордилар, бадиий адабиёт елкасига катта ижтимоий вазифани юкладилар. Халкнинг тарихий тақдирини ўзгартириш учун адабиёт, энди, кураш куролига хам айланиши зарур эди. Жадидлар шу масалага жуда нозик ёндашиб, дастлаб, маърифатпарварлик гоялари билан тўйинган асарларни яратдилар. Кейин эса: “Онам, сени куткармок учун жонми керакдур? Номусми, виждон била иймонми керакдур?” деб ўзларининг эрк ва хуррият йўлида жонларини фидо килишга хам тайёр эканликларини айтдилар. Мазкур сатрлар ёшларнинг илгор кисмida хуррият учун кураш истаги ва максадини уйготди.

Шундай “ижтимоийлашган” жадид адиллари каламкаш биродарлари ижодига хаёт хакикатини хакконий акс эттириш нуктаи назаридан ёндашдилар. Чўлпон “Фаргона фожиалари” пьесасида шу масалада чекинган Хамзани каттик койиди. Аммо, жадид танкидчилигининг бундай “ижтимоийлашиш”и замираиде халк ва мамлакат такдири билан боғлик максад ётган эди.

1917 йилдан кейин, бошка қўшни миллий адабиётларда бўлганидек, ўзбек адабиётида хам жадид адабиёти эришган мэрралардан ва миллий адабий илдизлардан узоклашиш, рус йўксил адилларининг, кейинчалик, рус мумтоз адилларининг шўро мафкурасига зид бўлмаган асаларини таржима килиш, адабиётни шўро даври гояларини тарзиб килувчи минбарга айлантириш жараёни кечди.

Мободо, жоиз бўлса, шу ерда бир лирик чекиниш килсан. 1921-1923 йилларда Самарканда нашр этилган “Мехнаткашлар товуши” газетасига дастлаб Мирсалимов, кейин З. Бурнашева деган татар зиёлилари мухаррирлик килишган. Агар биринчи мухаррир газетадан махаллий ходимлар ва мухбирларни четлатган бўлса, иккинчиси мухаррирлик курсисини эгаллаши билан газетада Бехбудий номининг тилга олинишига йўл кўймаган. У хатто: “Яхши бўлган эканким, Бехбудий ўлдирилган экан. Агар Бехбудий бу кунда тирик бўлса эди, Туркистоннинг устига иккинчи Анвар пошшони келтириб, ўзи бирор мансабга эга бўлур эди”, деб ўз хатти-харакатининг тўғрилигини асосламокчи бўлган. Куни кеча махаллий раҳбарлар ва ижодкорлар ёрдамида адабиёт ва журналистикага кириб келган кимсалар тирик ва мархум ўзбек ёзувчиларини миллатчиликда, совет давлатига карши кайфиятда айблаб, ишдан хайдалиш ёки камалиш хавфи остида колган миллий адабиёт намояндаларининг шўро позициясига ўтишларига ўз хиссаларини кўшганлар. Партия турли миллатга мансуб шундай хайбаракачилар ёрдамида адабиётнинг советлашиш жараёнини амалга оширган.

Сиз айтганингиздек, бугун адабиётнинг халк олдидаги вазифаси ўзгарди. Ўзбекистоннинг миллий давлат байроби хилпираб турган хозирги даврда адабиёт хам ўз олдига халк ва мамлакатнинг янги тарихи билан уйгун вазифаларни кўймоқда. Бу вазифалар биринчи навбатда, ёш авлодларнинг илгор дунёкарашини шакллантиришга, маънавий оламини бойитишга, фидойи аждодларнинг ватанпарварлик ва халкпарварлик анъаналарини давом эттиришга каратилса, айни муддао бўлурди.

Улугбек ХАМДАМ:

Устоз, авлодлар алмашинуви – хаёт конуни. Лекин, авлодлар алмашинуви баробарида, дунёкарашлар хам ўзгаради. Бунга хам багрикенглик билан карашимиз керак, албатта. Айни чогда, юкоридаги гапдан “хар кандай янги авлод аввалгисидан яхширок (тўгрирок) бўлади”, деган маъно чикмайди. Чунки хар бир авлоднинг ўзига яраша кучли ва ожиз тарафлари мавжуд. Шу маънода, сиз мансуб бўлган адабиётшунослар авлодининг ютуклари ва камчиликлари нималарда кўзга ташланади?

Менинг назаримда, адабиёт ва санъат гоят мафкуралашган бир даврда яшаганликлари бу авлод вакилларининг ижодларига ўз таъсирини ўтказмай колмади. Натижада, улар колдирган кимматли меросда айрим мафкуравий чекланишлар сезилади. Адабиёт, аввало, эстетик ходиса, санъат эканлиги баъзан унутиб кўйилди. Шунга карамай, катта авлод вакиллари хаётларини ягона ишга багишлай олдилар. Яъни, сизлар учун адабиёт иши муқаддас иш эди. Сизлар адабиётнинг инсон турмушидаги, маънавий оламидаги мислсиз ўрнига катъий ишониб келган авлодсизлар. Алалхусус, мазкур ишонч ўзбек адабиётшунослигининг Бехбудию Фитрат, Чўлпону Ойбек тамал тошини кўйиб кетган пойдеворини янада мустахкамлаш йўлидаги фундаментал тадқикотларингизнинг яратилишига замин хозирлади. Назаримда, сизнинг авлод ана шундай шарафли ишга ўзининг муносиб хиссасини кўша билди, тўгрими?

Ана шу айтилганлардан келиб чиккан холда хулоса килсак, XX аср ўзбек танкидий тафаккур тадрижи сизнингча, кандай киёфага эга.

Наим КАРИМОВ:

Камина мансуб бўлган адабиётшунослар авлодининг ютуқ ва камчиликлардан аввал, ўзбек адабиётшунослик фанининг илдизларига мухтасар бир йўсинда назар ташласак. Ўзбек ёзма адабиёти пайдо бўлибдики, унинг йўлдоши сифатида адабиётшунослик фанининг хам куртаклари кўрина бошлаган. Ёзувчилар ўзларининг ёки каламкаш биродарларининг хаёт ва ижодлари тўгрисида турли йўллар билан фикр баён килишган. Тазкиралар тузила бошлаган. Илми аруз, илми кофия, илми бадеа сингари ўзбек адабиётининг назарий масалаларини ўрганувчи “фан тармоклари” пайдо бўлган. Навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик тўгараклари вужудга келган. Бу фан тармоклари ва тўгаракларнинг диккат марказида бадиий ижоднинг ўзига хос специфик масалалари турган. Ижодкорларни хам, китобхонларни хам тасвир маҳорати, бадиий образнинг гўзаллиги ва сермаънолиги, сўз жилолари, поэтик фикр ва шеърий шаклнинг уйғунлиги сингари масалалар кизиктирган.

Ўтган асрнинг ўрталариға келиб, ўзбек адабиётшунослиги фан сифатида шаклланиб, янги-янги жанрлар билан бойиди. Ўзбек адабиётшунослигига бадиий ижод табиатини, ижодий жараённи, ёзувчининг ижодий йўлини, бадиий маҳорат масалаларини тадқик этувчи асарлар майдонга келди. Камина мансуб бўлган адабиётшунослар авлоди бунга маълум маънода ўзларининг хиссаларини кўшдилар. Агар мазкур авлодга Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Каюмов, Бегали Косимов, Салохиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Бахтиёр Назаров, Нўймон Рахимжонов сингари замонавий адабиёт масалалари билан, Азиз Каюмов, Абдуқодир Хайитметов, Ботир Валихўжаев, Абдурашид Абдугафуров, Суйима Ганиева сингари мумтоз ўзбек адабиёти билан шугулланувчи адабиётшуносларни мансуб, деб билсак, кўп жилдлик мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти тарихининг, йирик шоир ва ёзувчиларга багишлиган, шеърият, наср ва драматургия турлари, роман, кисса, достон сингари жанрлар тадқик этилган монографияларнинг яратилиши шу авлод номи билан бөглиқ. Колаверса, мустакиллик арафасида ва мустакилликнинг дастлабки йилларида мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти тарихини тарихий ҳакикат мезонлари асосида ўрганилишида хам шу авлод мухим роль ўйнади. Бинобарин, мазкур авлодга хос хусусиятлар, менимча, фаоллик, кенг ва чукур билим, нина билан кудук казиш машаккатидан кочмаслиkdir.

Энди, камчиликларга келсак, бу хам етарли. Аввало, бизнинг авлод адабиётнинг ижтимоий вазифасига катта эътибор бериб, ёзувчи хам, унинг асари хам ноёб бадиий-эстетик ходиса эканини унутиб кўйган вактлар оз бўлмади. Адабиётшунослар баъзан юкоридан туширилган мезонлар асосида, баъзан эса ўзларининг субъектив карашлари асосида бадиий ижодга ёндашишга мажбур бўлдилар. Кодирий ва Чўлпон адабиёт оламидан бадарга килинган даврда Хамза хаддан зиёд илохийлаштириб юборилди. 60-70 йилларда бадиий заиф асарларни юкори баҳолаш оддий ходиса бўлиб колди. Мавзунинг долзарблиги ва замонавийлиги бадиий ижоднинг асосий мезони сифатида идрок этилди. Шундай мезон такозоси билан “Ўтган кунлар”га эмас, “Голиблар”га, “Наврўз”га, “Хамза”га ўхшаш асарлар хирмони кўпайди. Адабиётшунос адабиётнинг гуллаб-яшнашига, танқидчи эса ёзувчининг ижодий ўсишига ёрдам берувчи ижодкор бўлиши лозимлиги унутилиб, бадиий бўш асарларнинг бўшлигини айтишда журъатсизлик авж олди.

Улугбек ХАМДАМ:

Нисбатан ёш авлодлар хусусида нималарни ўйлайсиз? Мазкур авлодлар фикран эркин, хар турли инфомацияга имкондор бўлиши баробарида, нега ўз ишини сизлар кадар яхши кўрмайди? Улар рухиятидаги тараддуд яна канчагача давом этиши мумкин? Нега уларнинг кўпчилиги муқаддас иш – адабиёт ишини осонликча бошка ишга, масалан, тужжорликка алмаша ол(а)дилар? Нима учун уларда адабиёт иши эътиқод даражасига

кўтарилимаган? Нега бизнинг ва биздан кейинги авлоднинг адабиётшунослик соҳасида фундаментал тадқикотларга холи йўқ: бу ердаги асосий сабаб илмнинг етишмаслигими ё хошишнинг? (Ва, ёки бошка нарсанинг, масалан, рагбатнинг?) Ёхуд фундаментал тадқикотлар, аввало, ўзгариб кетган оламнинг янгидан фалсафий идрок этилиши билан юзага чикадими? Ундай бўлса, файласуфларимиз каерда?

Найм КАРИМОВ:

СССРдек ер юзини титратган кудратли давлатнинг тарих сахнасидан йўколиши аносида, жаҳон халклари тарихида янги давр бошланди. Европа халклари бозор иктисади шароитида яшаганликлари, шунингдек, мафкуралашган адабиёт ва санъат булокларидан сув ичмаганликлари учун уларда маънавий-маданий кадриятлардан узоклашиш жараёни кўзга ташланмади. Улар хаёти бир маромда давом этди ва давом этмокда. Улар “яшил иблис” кудратига шак келтирмаган холда, зикр этилган кадриятларнинг кадрсизланишига йўл кўймадилар. Бизда эса жараён анча кескин кечди.

Хозир ижод килишда давом этаётган ёзувчилар орасида ниманингдир илинжида калам тебратишашётганлари талайгина. Агар шу илинж – ё шухрат козониш, ё мукофот олиш, ё асар ёзиб пул топиш илинжи бўлмаса, ижодкорлар сафи анча сийраклашиб колади. Айтмокчиманки, Чўлпон, Ойбек, Шукур Холмирзаевга ўхшаб ўз тақдирини бир умрга адабиёт билан бояланган ва бундан бирор манфаатни кўзламаган ёзувчилар хам, адабиётшунослар хам бундан кейин анконинг уруги бўлиб коладигандек. Бунинг асосий сабабларидан бири, моддий бойликнинг фетишлиштирилиши, маънавий-маданий бойликнинг, бир замонлар фаровон яшаш омилларидан бири бўлган аклий ва ижодий меҳнатнинг кадрсизланиши бўлса, иккинчиси эса, “Ўтган кунлар”ни мижжа кокмай ўкиган китобхонларнинг бугун йўклигидир.

Ана шундай китоб ўқимаслик касали хозирги адабиётшунослар авлодини хам четлаб ўтмаган. Уларнинг бир кисми Фрейдни, Камюни хижжалаб ўкиган бўлса хам, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз тарихини яхши билади, дейиш кийин.

Улар адабиёт тарихини хам, адабий жараённи хам яхлит ходиса сифатида илгаб олганларича йўқ. Акс холда, Абдулла Кодирий, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, Усмон Носирлар ижод килган адабиёт майдонида мардикор ёллаб ёзилган ёки пулнинг кучи билан чоп этилган асарлар оқимиға бефарқ караб турмаган, ўтган-кетганни ушлаб олиб, ўзлари тўғрисида мактовдан иборат маколаларни ёздириб олган ва уларни

ёстикдек-ёстикдек тўплам шаклида чоп эттиргаган бўлардилар. Шубҳасиз, бу таънам умумий жараёнга тегишли. Бугунги авлод орасида виждан амири билан калам тбратаётган адабиётшунослар йўқ эмас. Лекин, уларнинг аксари, афсуски, диссертациялар ёзишдан нарига ўтмаяптилар. Адабий жараён, Пушкин ифодаси билан айтсан, “сокчилар”сиз колмокда.

Мен уруш даврининг фарзандиман. Ўз отамнинг уруш даврида кандай кийинчиликларни бошдан кечиргандарини яхши билмайман. (Отам бу хакда сўзлашни хуш кўрмаганлар). Аммо, амаким баъзан-баъзан уруш йилларини эслаб, аудиторияга гўё хеч нарса бўлмагандек, доим оқ кўйлак устига костюм кийиб, галстук такиб киргандари ва дарс берганларини, лекин бу кўйлакнинг факат ёкасию олд томони хамда бошка кўйлакнинг калта енги – манжети бўлганини айтар эдилар. Улар мансуб бўлган авлод зиёли номини баланд ушлар, шунинг учун хам халк зиёлиларни астойдил хурмат киларди. Хозир-чи, фан доктори дипломи билан бозорда чодир тикиб ўтирган кишилар йўкми? Шеърият ва матбуот оламини тарқ этиб, бозордан макон топган кишилар йўкми? Тўгри, уларнинг баъзилари турмуш такозоси билан шундай йўлни танлашган. Лекин агар улар юрагида хам хакикий зиёлининг кони жўш уриб турганида, балки шундай йўлни танламаган бўлармидилар? Хар холда, шу нарса аникки, моддий кадриятларнинг жамият хаётидаги мавкеи дафъатан ошиб кетганида, калам ахлиниң фаровон ва хашаматли хаётга мойил кисми ўзга йўлни танлади. Бунинг учун уларни коралаш эмас, балки тушуниш лозим.

Масаланинг жиддий томони шундаки, масалан, адабиётшунослик соҳасида калам тбратаётган аксар ёшларни хам ўз соҳаларига содик, нина билан кудук казишга тайёр кишилар, деб бўлмайди. Улар билим захираларини бойитишдан, адабиётшуносликнинг жиддий муаммоларини хал килишга чоғланишдан кўра, тезрок фан номзоди, сўнгра фан доктори бўлишни ўйлайдилар, холос. Фан оркали моддий ёки маънавий имтиёзга эришиш аксар ёшларнинг бош максадлари бўлиб колмокда.

Улугбек ХАМДАМ:

XX аср ўзбек адабиётига алоҳида меҳрингиз борлигини яхши биламан. Чунки, айнан шу даврга келиб, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, тарихий-маданий, рухий-маънавий тақдирида улкан бурилишлар юз берди. Диний-эътиқодий эврилишларни айтмай кўя колай. Демак, буларни бошидан ўтказган, юрагидан кечиргандай ижодкор оламни ўзгача кўра бошлади. Унинг атроф-мухитни бадиий эстетик жихатдан кабул килиш принципида туб истилоҳлар юз берди. Роман, драма, бармок вазнидаги шеър – булар ана шу азим ўзгаришларнинг конуний меваси эди. Улар кўп асрлик ўзбек адабиётида янги ходиса бўлиб майдонга тушди. (Албатта, кадим-кадимдан сочма ва бармок ўлчовидаги назм, яна

роман ва театрнинг бошқачарок кўринишлари мавжуд бўлгани ёдимиизда).

Ана шундай мохиятга эга янги ўзбек адабиёти, сизнингча, яна нималари билан Навоий ва Бобур даври адабиётидан фарқ килади? Ва, бу давр (XX аср) адабиёти ёнида XXI аср адабиёти кандай тахминий кўринишга эга бўлиши мумкин?

XX аср ўзбек адабиёти мумтоз ва келажак адабиётимиз ўртасида бир кўприк вазифасини хам ўтади, ўтамокда, дейишимиз мумкинми?

Найм КАРИМОВ:

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида икки асрни “олтин аср” дейиш мумкин. Бири – XV аср бўлса, иккинчиси – XX аср. Агар Навоий форс тили хукмрон даврда ўз асарлари билан ўзбек адабий тили ва мумтоз ўзбек адабиётининг майдонга келишига тамал тошини кўйган бўлса (бу – Навоий ва Бобур даври адабиёти), XX асрда Бехбудий, Кодирий, Чўлпон, Фитрат янги ўзбек адабий тили ва адабиётини яратишда, устозлари анъаналарини давом эттириб, жаҳон адабиёти ютукларини ўзлаштирган холда, ўзбек адабиётида реализм методининг карор топишига, адабиётнинг реал хаёт билан якинлашишига, бадиий сўзнинг жамият хаётига таъсир кўрсата оловчи куч бўлишига, янги замонавий адабий тур ва жанрлар билан бойишига жиддий хисса кўшдилар. Сўнгги бир аср давомида дунёга келган авлодларнинг маънавий олами ва дунёкараши уларнинг асарлари асосида шаклланди. Агар Навоий ва Бобур даври адабиёти бизнинг буюк адабий меросимиз бўлса, XX аср адабиёти хали узок вакт халкка йўлчи юлдуз бўлиб хизмат килади, деб умид киласман. Энди, XXI аср адабиётита келсак, бирор башоратнамо гапни айтиш кийин. Детектив-саргузашт ва хажвий адабиёт китоб бозорларини бундан кейин хам забт этишда давом этса керак. Бу эса, китобхонлар оммасининг шунга мослашган диidi (яъни, бозор) адабиётни идора этиб туради, деган сўздир.

Улугбек ХАМДАМ:

Менимча, ўзбек насли якин ўтмишни идрок эта бошлади. Чунки бирин-сирин дилни кувнатувчи асарлар пайдо бўляпти. Улар бир-бирига ўхшамайди, лекин орасида катта истеъдод билан ёзилаётганлари бор. Ахмад Аъзамнинг “Рӯё”, Наби Жалолиддиннинг “Курб”, Рахимжон Раҳматнинг “Аросат” каби романлари кўлёзмасини ўқидим –

таассуротим бир олам. Энг мухими, уларнинг барида вокелик кутилмаган, хали юрилмаган томондан туриб тахлил ва тасвир этилган. Эркин Аъзамнинг “Ступка”, Хуршид Дўстмухаммаднинг “Кичкирик”, Нуруллоҳ Рауфхоннинг “Чилла”, “Этакдаги кулба”, Назар Эшонкулнинг “Баховуддиннинг ити”, “Култой”, Исажон Султоннинг “Кисмат” каби хикоялари ўзбек насли жиддий эврилишлар палласига кирганини кўрсатади. Назаримда, энди, юкоридаги каби асарларни адабиётшуносликнинг аввалги мезонларидан туриб тахлил килиб бўлмайди. Бу асарлар адабиётшунослик фанининг ўзида жиддий янгиланишларни такозо килмоқда. Мана шу маънода эскича ёндашув ва критерийлар билан бугунги катта истеъододларни аниклаш мушкул, деб ўйлайман. Яна шуни хеч бир муболагасиз айта оламанки, бугун хам сиз номини санаган улуг ижодкорларимиз даражасидаги истеъододлар бор. Бор, факат бугун давр бошка. Бу давр одамлари бир хил иктисадий-маънавий кайфиятда эмас. Жамиятда ўзининг хам моддий, хам маънавий даражасига кўра, кўпдан-кўп турли-туман катламлар юзага келди. XX аср одамларининг психологик кайфияти эса якрангда бўлгани боис, ўша вактдаги яхши асарнинг таъсир кўлами катта микёсларда кечган. Бугунги шоир Навоий хазратларидек исътедодга эга бўлса хам (кани энди), ана ўша катламларнинг барчасига бирдек маъкул ва манзур ашъор битолмайди. У энг баланд пардаларда куйлаши мумкин. Лекин унга хамдардлар ўнлаб катламларнинг бир ёки нари борса, икки-учтасида топилади. (Бугун Навоийни канча одам тушуниб, хис килади?) Хазрати Румийда: “Карга ва лайлак дўстлигининг сабаби”, деган хикоят бор. Акли расо бир киши карга ва лайлакнинг бирга учеб юрганини кўриб, тоза хайрон бўпти. Кейин бу жўрачиликнинг тагига етиб караса, иккала куш хам оксок экан. Каранг, дардларнинг муштараклиги таналарнинг хамкору хамнаfasлигига олиб келмокда.

Ўйлашимча, истеъододлар, дахолар вакти-вакти билан тугилиб туради. Факат уларни мухит етилтиради, кўтаради ёки, аксинча. Даҳонинг майдонга чикиши учун кулаг мухит лозим. (Албатта, мухит деганимиз хаётининг комфортдан иборатлиги бўлмай, аксинча, турли хил машаккатларга тўла чигириклардир). Пешонасида дахолик сифатлари мавжуд зотнинг агар омади чопган бўлса, у ўз даврида, уни юксакка олиб чикадиган чигал мухитда вояга етади. Бўлмаса, у хам бир истеъодод даражасида, истеъодод эса оддий каламкашдек яшаб ўтади. Шунинг учун хам Волков улуг Пушкин истеъододи ва мухит бир-бирига тўгри келиб колди, дейди. Йўкса, Лермонтовнинг истеъодод даражаси Пушкиннидан асло кам эмас эди. Адабий омад Пушкинга кулиб бокди. Мен шу гапларга ишонаман. Аксинча бўлганда эди, яратганнинг кудрати Навоий ёки Шекспирда тўхтаб колишига иймон келтиришимга тўгри келарди. Бунинг эса мутлако иложи йўк. Оккан дарё окаверади, деган халкимизнинг доно хикматига жўр бўлгим келади, устоз...

Найм КАРИМОВ:

Бир замонлар ўзбек адабиётининг том маънодаги кўзгуси бўлган, ютугини хам,

камчилигини хам ўзида акс эттириб турган “Шарк юлдузи” журнали огир ахволга тушиб колган эди. Кейинги йилларда адабиётга хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор севимли журнализмизни хам четлаб ўтмади. Сиз журнални бугунги адабиётнинг минбарига айлантириш учун хали сиёхи куримаган асарларни ўкиб чикдингиз. Афсуски, менда бундай имконият йўк. Колаверса, кўз нури хиралашиб колган бизнинг авлод, жумладан, мен хам хозирги адабий жараённи сизчилик изчилик билан кузата олмайман. Шу сабабли мен адабиётимизнинг бугунги даражасидан сизчилик хайратда эмасман.

Улугбек ХАМДАМ:

Мени яна бир бошка масала кўпдан бери кизиктириб-ўйлатиб келади. Миллатнинг кандайлиги унинг адабиётига bogлиkm? Ёки адабиётнинг даражаси миллатнинг холига вобастами? Дунёда хамма нарсани пул, бойлик хал килади, деган тутумнинг борар жойи каергача бўлиши мумкин? Техника асрини ортига ташлаб, ахборот даврини бошидан кечираётган замондош зохирان накадар магрур, накадар мустакил ва ишбилармон кўринади. XIX аср кишиларига сув ва хаводек зарур бўлган адабиёт мазкур Хабародам учун ортикча юкка айланиб колмадими? Бутун онгли хаётини адабиёт илмига багишлаган зиёли сифатида сизнингча, Хабародамнинг холи нима кечади? Адабиётсиз, демокчиман.

Наим КАРИМОВ:

Агар хар бир миллатнинг ўз Навоийси, ўз Гёtesи, ўз Пушкини бўлмаса, бу миллатни шаклланган миллат, дейиш кийин. Зоро, миллатнинг миллат бўлиши учун унинг миллий адабиёти хам бўлиши зарур. Адабиёт – миллатнинг кўзгуси. Шу кўзгуда миллатнинг тарихи хам, бугуни хам, машъал сиймолари хам, фазилатлари хам, кусурлари хам ўз аксини топади. Бинобарин, миллатнинг кандайлиги унинг адабиётига bogлиkk. Миллат ва адабиёт бир-бири билан узвий алокадаги ходисалардир.

Хозирги вактда пулнинг, бойликнинг фетишлишгани миллатларнинг тараккий этаётганини англатмаса керак. Негаки, пул ва бойлик, худди XIX аср охири – XX аср бошларида Гарбда рўй берган “олтин талвасаси”дек, инсонларни довдиратиб кўйди. Айрим аёллар хаё деган улуг фазилатни унутиб кўйдилар. Мехнатсиз ёки осон йўл билан пул топиш, бойлик ортириш касаллик тусини олди. Жамият бу касаликка карши самарали чора ва тадбирларни топиши зарур. Шахсан мен бунинг чораларидан бири сифатида аклий меҳнат кишиларига ва меҳнат фахрийларига бўлган муносабатни

ўзгартириш, уларни кадрлаш, уларни осон йўл билан давлат орттирган, аммо, маънавий пуч кишилар олдидағи мавкеини, иззатини жойига кўйиш лозим, деб биламан. Фарзанд бутун умри давомида халол меҳнат килиб, на машина ололмаган, на дала ховли куролмаган ота-онасини хурмат кила бошласагина ва бошка ота-оналарга хам шундай муносабатда бўлсагина, халкнинг маънавий оламида ўзгариш содир бўлади. Шубҳасиз, жамият бояги касалликдан нажот топиши учун бошка “ричаг”лардан хам фойдаланмоги лозим.

Хозирги вокеликдаги энг катта кусур бу – одамлардаги ўзбекона тантилик, олийжаноблик, фидойилик, катталарга хам, бир-бирларига хам хурмат сингари эзгу туйгу ва фазилатларнинг хиралашиб, одамзоднинг тобора худбинлашиб, ўз колипига ўралашиб бораётгани. Хабародам бундайлар олдида хеч гап эмас. У жамият учун заарсиз.

Улугбек ХАМДАМ:

Хозирча заарсиздек туюлиши мумкин. Чунки ахборот даврига энди-энди кириб келдик. Ўйлашимча, биз бугундан эртамиз учун замин хозирлашимиз лозим. Шундок кўз ўнгимизда факат телевизор, компьютер, интернет фарзандлари вояга етишиб келяпти. Мулокотда бўлар экансиз, англайсизки, улар гўё ўзга оламлардан ташриф буюргандек. Сиз bogдан келсангиз, улар тогдан келади. Гапларингиз ковушмайди. Бу нарса Тургенов ёзганидек, Гассет таъкидлаганидек, факат оталар ва болалар ўртасидаги тафовут эмас, асло. Бу нарса тамомила бир-биридан фарқ килувчи икки дунёкараш, икки маданият ва икки олам ўртасидаги фаркка ўхшайди. Яъни, сиз билан биз реал дунёнинг болалари бўлсак, улар виртуал оламнинг жужукларидек. Шу маънода, Хабародам билан хакикий тўкнашув хали олдинда тургандек туюлади...

Наим КАРИМОВ:

Мен бир неча кишиларни кўрганман. Уларнинг кизикиш доиралари, хоббилари кимнинг ишдан олингани, кимнинг каерга ва ким бўлиб ишга тайинланганини билиш ва шундай билимлари билан турли давраларда мактаниш, ўзларини гўё шу масалалар хал бўлаётган юкорига якинликларини кўрсатиш бўлган. Улар билимлари эскириб, янги билим ололмаган пайтларида дами чиккан пуфакдек пучайиб, шумшайиб юришган. Улар, нафакат, махалла-кўй, балки ўз оиласарида хам бирор мавкега эга бўлишмаган.

Хабародам хам шундай кишиларни эслатади. Бугунми ё эртами унинг ахборот гирдобидан чиколмай, телбанамо кишига айланиб колиши ёки сихат-саломатлигини йўкотиб, кўздан айрилиши хеч гап эмас. Колаверса, хали “разгон” олмаган XXI аср яна кандай техник мўъжизаларни кашф этиб, Хабародамларни дарёнинг бу киргогидан бошка киргогига отиб ташламайди, деб ким айта олади?.

Уларнинг бадиий адабиётдан узоклашиши, шеърият дурдоналарию “Ўтган кунлар”нинг уларга ортиқча юқ бўлиб колиши эса бор гап.

Бундан кейин хакикий адабиёт шинавандаларининг сони камайиб боради. Хозир хам, кейин хам, асосан, катта ёшдаги кишиларгина китоб ўқисалар, ажаб эмас.

Улугбек ҲАМДАМ:

Ўтмишда бирон юртни босиб олган мустамлакачилар негадир ўша халкнинг адабиётини биринчи бўлиб йўқ килишга ёки хаспўшлашга харакат килар экан.

Бу сиёсатнинг илдизлари жудаям чукур сатхларга бориб такаладигандек туюлади менга. Хаммамизга аёнки, бугун биз жиддий адабиётдан узоклашиб бораяпмиз. Дўконлар, асосан, олди-кочдию ур-сур муҳрланган китоблар билан лик тўлиб кетди. Буни бошкacha ном билан атаб бўлмайди. Аслида, ташкаридан мафкуравий зугум йўқ: чоризм, большевизм, социализм йўқ, лекин шунга карамай, биз миллий маънавиятимизнинг асоси бўлмиш жиддий адабиётга етарли даражада эътибор килмаяпмиз. Сизнингча, адабиётга эътиборсизлик хавфининг даражаси кандай? Илгари чоризм ва шўро ўз кўл остидаги миллатларни зўрлик илиа ўз миллий маънавияти ва адабиётидан маҳрум килишга чоғланган бўлса, энди, ўзимиз, ўз адабиётимизга беписандмиз. Мохиятан буларнинг окибатлари бир эмасми? Эҳтимол, мана шу каби хавф-хатарни олдиндан кўра билгани учун хам Президентимиз Ислом Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” мурожати билан чиккандир.

Найм КАРИМОВ:

Албатта, Юртбошимиз Ислом Каримов ана шу муаммони олдиндан сезиб, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деган рисоласини эълон килгани, шубхасиз. Унда адабиётга эътиборсизликнинг кучайиб бораётганини айтиб, жамият эътиборини шу ўта жиддий масалага каратди. Модомики, баҳс эътиборсизлик хакида борар экан, бунинг баъзи бир илдизларига хам назар ташлаш зарур. Сир эмас, адабиётга мухаббат туйгуси оила билан мактабда тарбияланади. Агар бугун тугилаётган фарзандларнинг ота-оналари нафакат Ойбекнинг “Навоий”сини, балки Кодирийнинг “Ўтган кунлар”ини ўқимаган бўлса, фарзандида хам китобга мухаббат туйгусини уйготолмайди. Адабиёт дарсликлари масаласига келсак, муаллифлар кўпинча ўз таниш-билишларини аввал дастурга, сўнг дарсликка киритганлари туфайли ва яна шунга ўхшаш кўплаб сабаблар билан улар йил сайин ўзгартирилиб, нашр этилмоқда. Камида тўрт-беш йил халол хизмат киладиган баркарор дарсликлар хамон яратилмаяпти. Бу хол шундай давом этаверса, айтингчи, ўкувчиларда китобга мухаббат туйгуси кандай пайдо бўлади?

Масаланинг шунга ўхшаш томонлари адабиёт тарози паллаларининг вазнисизланиб колишига сабаб бўлиши мумкин. Сиз айтганингиздек, адабиётнинг заифлашиши, “енгил адабиёт” доирасида колиши учун ташкаридан кўрсатманинг бўлиши шарт эмас. Ўз ичимиздаги беписандлик кайси кўрсатмадан кам?

Улугбек ХАМДАМ:

Ўз вактида, руснинг улуг ёзувчиси Достоевский: “Дунёни гўзаллик куткаради”, деб хитоб килган эди. Аён бўляяптики, дунёни мукаррар халокатдан факат гўзалликнинг бир ўзигина куткаролмас экан. Агар сизу биз гўзал деб таргиб этаётган “матоҳ”имиз гўзаллигини англаб, нозик хис килгувчи, пировардида, кабул айлаб, ўз маънавий мулкига айлантириб, шу рух ила хаётга ёндашгувчи куч бўлмас экан, гўзалликнинг таъсири нолга тенг бўлаверади. Худди шундай, адабиётнинг кисмати хам, асосан, уни тушуна оладиган ўкувчиларга боғлик экан.

Устоз, хар кандай баландпарвоз гапларни бир четга суриб, дангалига кўчсак, адабиётнинг дунёни куткариб колишига умид килса бўладими? Майли, куткармасин, хеч курса, унинг равишига таъсири борми? Чархипалакнинг бугунги холидан андак яхширок, муруватлирок бўлишига хисса кўша биладими? Ва, умуман, дунёни куткариб колиш мумкинми ва ўзи керакми бу иш? Агар буларнинг бари мумкин бўлса, асрлар оша, йиллар оша эмас, кун сайин, соат сайин ўзгариб турган дунёда адабиётнинг ўрни каерларда

кўринади? Балки, бу ўринда, бутун иш яна жадидлар айтгани ва йўлида ширин жонларини тиккани ўша МАЪРИФАТнинг зиммасига тушмаяптимикан? Негаки, гўзалликка олиб боргувчи йўл хам маърифатнинг кароргохидан ўтадигандек. Факат ва факат маърифатли кишигина гўзалликни, адабиётни нозик хис килиб тушунадигандек.

Наим КАРИМОВ:

Рус жамиятидаги хунрезликларни, каллобликларни, тубанликларни кўравериб, рус халкининг келажаги учун куйинган Достоевский нажот йўлини тополмай, сархуш бир холатда шундай деган бўлса, ажаб эмас. Акс холда, у чоризмни, рус генералларини Ўрта Осиёни босиб олиб, Хинд денгизида этикларини ювишга илхомлантирумаган бўларди.

Шўро мафкураси бизни “адабиёт – дунёни ўзгартирувчи куч”, деб ўргатган, шу фикрни кўнглимизга куйган.

Агар ёдингизда бўлса, грузинларнинг “Солдат отаси” фильмида ота рус танкчисининг узумзорни пайхон этаётганини кўриб, газабга тўлиб, ёкасидан олади. Димоги уруш ва кон хиди билан тўлган жангчи эса, отанинг бу хатти-харакатидан каттик ранжиди. Унинг учун уруш шароитида, бир-икки ток кўчатининггина эмас, бутун-бутун узумзорларнинг мажакланиб ташланиши оддий ходиса.

Бугунги одамзоднинг димоги пул хиди билан тўлган. Унинг кўзлари гўзалликнинг камалак нурларини кўришга ожиз. У узумзорнинг баҳорда, кизлар янглиг, майин кокилларини ёйиб, бир ишком бўлиб савлат тўкиб туришидан баҳра олмайди. У узумзордан канча даромад келишини ўйлайди ва даромад пилигини кўтариш йўлларини ахтаради. Хали пишиш холига келмаган узум бошларини олтингугурт билан кизартиради. Биз дориланган, яъни, захарланган узумни витаминга бой, деб киммат пайтида сотиб оламиз.

Дунё тугул, биргина одамзодни ўзгартиришга хам адабиётнинг кучи етмаяпти.

Жамиятнинг хаётий жараёнга таъсир ўтказувчи бошка институтлари ўз вазифаларини

халол бажарсагина, адабиёт, адабий тарбия самара бериши мумкин.

Улугбек ХАМДАМ:

Замон эврилиб, одамларнинг дунёкарашида ўзгаришлар рўй берди. Атрофимииздаги кишиларга Бехбудий, Фитрат, Кодирий, Чўлпон каби ватанпарвар зотларнинг миллат ва юрт кайгусида жон кечиб яшаб ўтганликлари, шу муқаддас йўлда хатто курбон бўлганликлари бир кадар баландпарвоз, хавоий, тушуниксиз бўлиб колмаяптими? Ўша улуг боболаримиз амалга оширган кутлуг ишларни ўз курсоги атрофидагина айланиб-ўргилиб ўтиб бораётган айrim замондошларимизнинг тутумларига солиштирганингизда, хаёлингизга нималар келади? Худди шундай, “Адабиётнинг даври ўтди, китоб ўтмишда колди”, деган ёзгириклар нимани англатади? Бу хитоб, айникса, сизнинг, кисман, бизнинг авлод вакиллари учун оғир айномадек янграмаяптими? Сер солсангиз, бутун ер юзида ёш авлодлар китобсиз, адабиётсиз яшаш каноати билан ўсиб, шундай яшашга бел боғлагандек кўринади. Аслида, китобсиз хаёт йўлига чикмокчи бўлган мазкур авлодларга масъуллар, айнан, сиз ва биз эмасми? Чунки улар осмондан тушгани хам, ердан чиккани хам йўк, улар сизу бизнинг фарзандларимиз, невараларимиз. Бас, шундай экан, хўш, каерда хатога йўл кўйдик? Ахир, ворисийлик деган гаплар бор эди! Авлодлар каршисида аждодларнинг бурчлари бўларди! Ижтимоий, сиёсий, тарихий силсиланинг кайси бурилишида тойиб кетдикки, натижада, бизнинг жисмимиздан пайдо бўлиб, ўз рухимиз таълим-тарбиясини олган авлод ўзимизга бегона бўлиб бораётгандек? Бундан чикадики, инсоният шунча аччик тажрибасига карамай, адабиётнику кўя турайлик, ўз келажагини хам бошкара олмайдиганга ўхшайди?

Найм КАРИМОВ:

Бизнинг институтда Машхура Султонова (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) деган жуда маърифатли, китоб кўрса жонини берадиган олима бор эди. Унинг уйига тез-тез бориб турардик. Бир куни бораётганимизда, кўп каватли уйлардан бирининг олдида бир тўп китоблар уйилиб ётган эди. Чамаси, бу китоблар эгаси ё хаётдан ўтган, ё бирор жойга кўчгану китоблар эгасиз колгани учун кўчага, анирги, ахлатхонага олиб бориб ташланган эди. Орадан анча вакт ўтгандан сўнг Машхура опа вафот этди. Бир канча вактдан сўнг кимдир Машхура опанинг китоблари эски китоблар дўконида сув пулига сотилаётганини айтди. Холбуки, Машхура опанинг уйида унинг тарбиясини кўрган ва ўз кизидек бўлиб колган жияни яшарди. У рус мактабида таълим олгани туфайли, ўзбек адабиётининг сара асарлари унга ортикча юк бўлиб колган эди.

Афсуски, хозирги шароитда, хатто, “китобхўр” ота-оналар хам фарзандлари учун ўрнак бўлмай колдилар. Хаёт дарёси айрим фарзандларни ўз гирдобига тортиб, хатто, ота-оналаридан, улар ўсган маърифат bogларидан хам узоклаштириб бормокда.

Бу мухим масалада каерда хато килдик ва бунга ким айбдор? Шу хатони тузатиб бўладими? Афсуски, бундай саволларга жавоб бериш осон эмас. Хатони килиш осону уни тузатиш кийин. Айникса, хаёт карвони ўз йўловчиларини узок-узокларга олиб кетганидан кейин.

Менинг ёшлигим ўтган махаллага якин жойда тўртта кутубхона бўларди. Бу кутубхоналарнинг биридан иккинчисига ўтиб, кайси бири бойрок бўлса, ўша кутубхонага лангар ташлардик.

Хозирги айрим ёшлар томдаги ликоп оркали келаётган видео-ахборотдан на рухга, на аклга озик берадиган кўрсатувларни ёки компьютерга жойланган ўйинларни кўришга азиз умрларининг азиз соатларини багишлайдилару бадиий асарни ўкишга токатлари етмайди. Аввалги авлодлар юрагида жўш урган ворисийлик кони ўз кучини йўкотган кўринади. Энг даҳшатлиси шундаки, шундай яшаш йўсинига кўнинкан кишилар фикрсизланиб, бошкалар иродасининг оддий ижроисига, роботларга айланиб колиши мумкин. Балки шундай жараён окибатларини олдиндан сезаётгандари учунми, айрим олимлар ер юзини келажакда роботлар бошкаради, деган илмий тахминларни олга сурмокдалар.

Улугбек ХАМДАМ:

Кунимизга кайтсак. Адабиётга энди-энди кадам кўйиб келаётган, бошловчи ижодкорлар мавзу ва кайфият манзилини кай тарзда белгиламоги лозим? Яъни, унинг навқадди давр шамолидан эгилиб кетмаслиги, айни дамда, шу шамол суронларигагина хамоҳанг асарлар битиб колмаслиги учун нималарга эътибор килмоги даркор? “XX аср адабиёти манзаралари” деган китобингизда улкан шоир Гафур Гулом билан bogлик бир аччик хакикатдан сўз очасизки, у хамма замонларнинг ижодкорлари учун давомли сабокдек жаранглайди: “Гафур Гуломнинг гражданлик руҳи балкиб турган шеърларида бошка бир кусур бор. Бу совет даври “кадриятлар”и тасвирига катта ўрин ажратилганлигидир. Худди шундай кусур туфайли шоирнинг хатто айрим илиги тўк шеърлари хам, сир эмас,

дами чикиб кетган хаво шарларидек бўшашиб колган” (257 бет). Айни дамда, масаланинг иккинчи томони хам мавжуд. Менинг назаримда, хакикий ижодкор ўз даврининг юрак уришига ташхис бармогини кўйиб турган табибdir. У хамма нарсадан олдин ўз даври кайфиятининг самимий таржимони бўлмоги шарт! Хўш, сизнингча, ўрта, мўътадил йўл кайда экан?

Найм КАРИМОВ:

Абдулла Каҳхор бир гапни айтган эди: мен умримда икки буюк истеъдод эгасини кўрдим. Булардан бири Чўлпон, иккинчиси Гафур Гулом эди. Улардан бирини замон жувонмарг килди, иккинчиси ўзини-ўзи, деб.

Истеъдоднинг харидори кўп бўлади. Канчадан-канча истеъдод эгаларини замон темир кишанлари орасига олиб мажаклаб ташлаган. Энди, калам тебратаетган истеъдодли ёшлар ўз салафлари такдири кандай кечганидан сабок олишлари лозим. Хаёт мавзу билан тўла. Агар ёш ижодкор шухрат козониш, мукофот олиш, фаровон хаёт кечириш илинжи билан кўлига калам олса ва ўз максади йўлида изчил харакат килса, орзусига, албатта, эришади. Лекин унинг ўсиб-унишига, яхши асарлар ёзишига, миллий адабиётимизнинг юксалишига мухим хисса кўшишига умид килган кишилар додга коладилар. Адабиёт шухрат козониш, кўкракларини турли-туман нишонларга тўлдириб олиш ёки кекириб яшаш учун бино бўлган майдон эмас. Хар бир яхши асар юрак кони билан ёзилади. Йўлчининг вафот этганини ёзаётган пайтида, Ойбек бехуш бўлиб колган. Абдулла Кодирий Кумушнинг кабртоши учун марсия сўзларини ёзаётганда, кўзларидан оккан ёшини тўхтата олмаган. Бальзак Горио отанинг ўлимини ишонарли тасвирлайман, деб карийб клиник ўлимни бошидан кечирган. Ёзувчи асарни юрак кони ва дил сўзи билан ёзган тактирдагина, асар умри билан тугилган бўлади. Хозир ёзилиб ташланяётган детектив асарларни тўрт-беш йилдан кейин хеч ким ўқимаслиги мумкин. Аммо, китобхон зоти озайиб кетган бўлса хам ўзида “Ўтган кунлар”га ўхшаш асарларга ташналик сезади.

Ўз даврининг юрак уришларини хис этиб туриш – ёзувчининг бурчи. У илхомни, энг аввало, ўзи гувоҳ бўлиб турган воеалардан, учрашувлардан олади. Халк ёзувчидан мамлакат хаётида рўй бераётган улугвор ишларга хам, жамият равнакига.gov бўлаётган ходисаларга хам муносабат билдиришини кутади. Лекин, у бу вазифасини сустеъмол килиб, календар-шоир даражасига тушиб колмаслиги керак. Ёзувчи бугун севиб ўқиладиган, эртага кадр-киммати янада ошадиган асарлар ёзишга интилса, айни муддао бўлур.

Улугбек ҲАМДАМ:

Устоз, адабиётимизнинг умидбахш тамойиллари хакида гапирсангиз. Ўзбек адабиёти Шарк адабиёти бўлиши баробарида, умумжахон адабиётнинг хам бир бўгини хисобланади. Шундай экан, унинг ўз миллий хусусиятларини саклаб колмоги, айни чогда, ўзининггина кобигида колиб кетмаслиги учун кандай манзилларни кўзлаб, кандай жасоратларга кўл урмоги лозим кўринади?

Ўтган кариyb йигирма йил мобайнida ўзбек адабиёти модернизм билан “огриб” олди. Энди эса, хавода постмодернизмнинг әлчилари учеб юрибди. Бу хил тамойиллар миллий адабиётимизнинг бойиб, кенгайиb ва чукурлашиб боришига хизмат киладими ёки, аксинча. Ва, умуман, мана шу жараёнларда адабиётшунос ва танқидчи олимларнинг ўрни ва роли кандай бўлмоги керак?

Наим КАРИМОВ:

Афсуски, адабиётимизнинг якин тарихини яхши биладиган баъзи дўстларимиз хам модернизмни мутлако нотўгри талкин килиб, хатто Бехбудиу Кодирийни хам модернизм адабиётининг намояндалари дейишгача бормокдалар. Хурматли Пиримкул Кодиров шу масалада уларни жиндек койиган эди, кўплашиб уни тавбасига таянадиган килишди.

Модернизм Шарк адабиётининг маҳсули эмас. Модернизм бизга Гарбдан кириб келган. Аслида, Гарб модернизм адабиёти деганда, янги давр адабиётини назарда тутади. Аммо, тасвирий санъатдаги модернизм кўринишларига назар ташласак, уларда кўзи белидан караб турган ёки боши Билан орти алмашиб колган одамларни кўрамиз. Бу, одамнинг модернизм окимига мансуб рассом нигоҳидаги образи. Гарб тасвирий санъатининг мазкур окимга мансуб асарларида хам шунга ўхшаш вокеликнинг бетакрор ўзига хос кўринишлари каммас. Гарб шундай санъатни хам ёқтиради. Аммо, Гарб рассоми кулогини шартта кесиб ташлаган бўлса, Шарк рассоми хам янгилик деб ундан ибрат олиши нодонликдан бошка нарса эмас. Шарк адабиёти доим доно фикр ва заррин ифодалар адабиёти бўлган. Шарк адабиёти – кишиларнинг бадиий диди ва дилини тарбияловчи нафосат мактаби. Ўзбек адабиёти Шарк адабиётининг ана шу анъаналарини давом эттириб келади. Бу Гарб учун хам ёт ёки эскирган ходиса эмас. Акс холда, Коэлонинг Шарк адабиёти руҳида яратилган асарлари бугун бутун дунёда машхур

бўлмаган бўларди. Биз ўз маънавиятимизни Гарб андозалари асосида бузиб келганимиз етмай, энди фикрсизлик адабиёти бўлган модернизмни хадеб пеш килаверсак ножоиз бўлар. Лекин, бу сўзларим адабиётимиздаги хозирги модернистик окимдан кечиш керак, деган маънони мутлако англатмайди.

Биз ўзимизни улуг устозларимиздан акли, деб ўйламаслигимиз лозим. Улар Гарб адабиётидан ўзимизда йўқ адабий тасвир усуллари ва жанрларини олишган: реализмни, драмани, романни. Аслида, ёзма адабиётимизда реализмнинг хам, романнинг хам унсурлари оз бўлмаган, оғзаки адабиётимизда эса драманинг хам унсурлари сероб. Лекин, устозлар Гарб адабиётидаги йиллар давомида шаклланган ва синовдан ўтган тасвир имкониятларидан баҳраманд бўлганлар.

Хар холда, юрагимизда аждодларимиз кони окканидек, адабиётимиздан хам Шарқ адабиётининг ўзига хос гўзал, нафис ва хаётбахш таровати эсиб турганига нима етсин?..

Шарқ юлдузи